

Маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди



Термиз туманидаги «Жўйжангал» ва «Орол» маҳаллаларида "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" шиори остида "Маҳаллада дув-дув гап" маънавий-маърифий ва маданий-муסיқий тадбири бўлиб ўтди.

Нуронийлар, ёшлар ва маҳалла фаоллари иштирок этган тадбирда сўз олганлар сўнги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, эришилаётган ютуқлар, маънавий-маърифий юксалиш борасидаги ислохотларга тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тадбир давомида "Маърифат тарғиботчилар" томонидан юртимизда ёшларга берилаётган имкониятлар ҳақидаги видеоролик намоиш этилди.